O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 5 апрель, чоршанба • №26 (11.211) • Эркин нархда сотилади

• *Экиш кундалиги*

## 3000 ГЕКТАРГА УРУҒ ҚАДАЛДИ

***ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, вилоятимизда чигит экиш бошланди. Шуниси диққатга сазоворки, бу йилги мавсумда беистисно ҳамма хўжаликларда "Ўздавуруғназоратмарказ" томонидан сифат сертификати берилган уруғлик чигит экилмоқда.***

Сифати кафолатланган ана шундай ишончли уруғликдан 7,5 минг тоннаси тайёрлаб қўйилган бўлиб, экиш бошланган кундан хўжаликларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Бу йил вилоятда нав танлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жами 105 минг гектар майдоннинг 65 минг гектарига вилоят шароитига яхши мосланган "С-6524", қолган майдонларга эса "Наманган-77", "Тошкент-6" ва "Ан-Боёвут-2" нав чигити экилади. Шунингдек, уруғини кўпайтириш мақсадида вилоят учун истиқболли деб топилган "С-4910" ва "Омад" ҳамда синов тариқасида "Меҳнат", "Илғор", "Армуғон", "Оққўрғон-3" навлари ҳам экилади.

Бугунги кунгача 100 минг гектарга яқин пахта майдони экиш учун тайёр қилиб қўйилди. Қолган 5 минг гектар ер ҳам икки-уч кун ичида тахт қилинади. 16 минг 400 гектар майдонда бу йил чигит пуштага экилади.

Экиш мавсумини вилоятда биринчи бўлиб бошлаган Бекобод ва Янгийўл туманларида ҳозирча 500-700 гектар ерга барака уруғи қадалди. Пскент, Оққўрғон, Бўка, Ўртачирчиқ туманларида экиш суръати тезлаштирилмоқда. Чиноз, Қуйичирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларида ҳам бугундан сеялкалар далаларга олиб чиқилади.

**СУРАТДА: Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигининг Олимжон Комилов (чапда) бошлиқ бригадаси механизатори Комилжон Абдуваҳобов (ўнгда) кунига 8-10 гектар ерга чигит қадаб, ҳамкасблари ўртасида пешқадамлик қилмоқда.**

***Даврон АҲМАД олган сурат.***



*Вилоят ҳаёти*

## БЎЛАЖАК КЕЛИНЛАР ТАНЛОВИ



ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмаси маданият уйида "Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз, қизларжон?" мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. 10 нафар бир-биридан чаққон, лобар, оқила қизлар икки гуруҳга бўлиниб, бичиш-тикиш, пазандалик, бадиий ўқиш, саҳнавий кўринишлардан парчалар намойиш қилиш ҳамда қўшиқ айтиш ва миллий рақсларни ижро этиш сингари шартларни бажариш борасида ўзаро беллашдилар. Қизғин баҳслар остида ўтган кўриик-танловда Камола Раҳматуллаева бошчилик қилган қизлар гуруҳи танлов ғолиби бўлишди.

## ЎЗБЕК КИНОСИ — МОСКВАДА

Москвада кинематографчиларнинг Марказий уйида ўзбек кино усталарининг янги фильмлари намойиши бўлиб ўтди.

Дастурни Владимир Исҳоқовнинг ТВ-6 телеканали орқали россияликларга таниш бўлган илмий-публицистик фильмларидан бири "Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" сериали очиб берди.

Сўнг ўзбек ҳужжатли киноси усталаридан Даврон Салимовнинг ниҳоятда таъсирчан "Хор" овозсиз фильми намойиш этилди. У Тошкентдаги махсус мактаблардан бирида тарбияланувчи кар-соқов болаларга санъат сирларини ўргатишга бағишланган. "Булбул" мультфильмининг режиссёри Мавзур Маҳмудов Андерсоннинг қадимий эртак сюжетини нақадар нафислик ва шу билан бирга ўзига хос тарзда экранда жонлантириш мумкинлигини моҳирона кўрсатиб берган. Режиссёр Нозим Аббосов ўзининг "Феллини" номли лирик асарида ақл бовар қилмас даражада кинога ихлос қўйган қишлоқлик киномеханик ҳақида ҳикоя қилади.

— Мен ўзбек ҳамкасбларим ва уларнинг моҳирона ишлаган янги фильмлари билан танишиб турганимдан жуда хурсандман. Бунчалик кучли салоҳият ва ижобий қувватни ўзида мужассам қила олган кино асарларини кўпдан бери кўрмаган эдим, дея В. Исҳоқовнинг сериалига нисбатан ўз фикрини баён қилди кинодраматург ва режиссёр Всеволод Иванов.

Таъкидлаш жоизки, тез орада кинематографчиларнинг Марказий уйида "олтин серия"дан жой олган фильмларнинг ретроспектив намойиши томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади. Улар қаторида ўзбек кино усталарининг ҳам асарлари бор.

***О. ШАТУНОВСКИЙ, "Жаҳон" АА, Москва.***

*Қишлоқ ва ислоҳот*

## МАНА БУНИ ИШБИЛАРМОНЛИК ДЕЙДИЛАР

***ДЕҲҚОН қачонки ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳисобласа, қилаётган меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳақ олса, рағбат кўришига ишонч ҳосил қилса, шундагина қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жиддий ўзгаришлар рўй беради. Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли ширкат хўжалиги раиси Комилжон Каримов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.***

**— Гапни индаллосидан бошласак. Очиғини айтганда жойларда жамоа хўжаликлари ширкатга айлантирилгани билан айтарли ўзгариш сезилмаяпти. Иш қамон эскича усулда олиб борилаяпти. Буни Юртбошимиз ҳам қайта-қайта таъкидлаяпдилар...**

— Сизлар ҳам ўтган йил декабр ойида ана шу усулда ишлашга ўтгансизлар. Бу "савдолар" бошингизга тушмасмикин, демоқчимисиз? Юзаки қараганда шундай туюлиши мумкин. Бироқ, ширкатга ўтишдан олдин, биз, обдон ўйладик. Етти ўлчаб бир кесдик. Деҳқонлар билан яккама-якка суҳбатлашдик. Ширкат нима эканлигини, жамоа бўлиб ишлашга қараганда қандай афзалликлари борлигини эринмай тушунтирдик. Авваллари харажатлар ўртада бўлиб, умумий ҳисоб-китоб қилиниб, сўнг ҳаммага бир хилда тақсимлаб юбориларди. Ширкат усулида бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар кимнинг ўз дафтарчаси бўлади. Бунда хўжалик мулкининг умумий қиймати ҳисобидан қанча ҳиссаси борлиги аниқ ёзиб қўйилади. Харажатларда чек усулига амал қилинади. Кимнинг, қайси экинни етиштириши жараёнида қанча сарф-харажат қилишининг ҳисоб-китоби аниқ белгилаб қўйилади. Агар деҳқон ҳар бир ишни, тадбирни вақтида, сифатли бажариб, мўлжалдаги харажатлардан иқтисод қилиб қолса, ўзига фойда. Ортиқча сарфлаб юборса, тўлашга мажбур бўлади. Йил охирида олинган фойда ҳисобидан ҳар бир деҳқонга қилган меҳнатига қараб дивиденд берилади. Деҳқонларимиз янги усулнинг афзаллигига ишонч ҳосил қилгачгина розилик бердилар.

**— Оилавий пудрат усули ҳам сақлаб қолиндими?**

— Бўлмасам-чи. Бироқ, шартноманинг тузилиши бутунлай янгича бўлди. Илгари шартнома бўйича ер деҳқонга бор-йўғи бир йил муддатга бериларди. Бу, албатта, ўзини тўла оқламасди. Сабабки, хоҳлайсизми, йўқми, деҳқонда келаси йили ерни мендан олиб қўйишлари мумкин, деган ҳадик бўларди. Қандай қилиб бўлса ҳам ердан юқори ҳосил олиш ҳаракатини қилиб, шу жараёнда ерни "ишдан чиқариб", чарчатиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди. Янги шартнома бўйича эса ер деҳқонга беш йил муддатга берилади. Табиийки, деҳқонда ерга муносабат ҳам тубдан ўзгаради. Ўзиники ҳисоблайди. Ҳар икки томоннинг жавобгарлиги шартномада қатъий қилиб қўйилган. Бунда ширкат аъзосининг манфаатдорлиги устунлик қилади.

**— Ўз-ўзидан равшанки, бундан буён ҳам далада ишлайдиган деҳқонларнинг сараги-саракка, пучаги пучакка чиқиб бораверади...**

— Шундай ҳам деҳқонлар сараланиб қолди. Агар бундан уч-тўрт йил илгари деҳқончиликда мингдан ортиқ одам меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг тенг ярми қолди. Бора-бора далада ишлайдиганлар сони 350–400 дан ортмайди.

**— Қолганлар нима иш қилади?**

— Аввало, улар ўз деҳқон хўжаликларини чинакамига юритишлари керак бўлади. Гап бу ерда томорқа еридан самарали фойдаланиш ҳақида бораяпти. Қолаверса, биз ҳам қараб турмаяпмиз. Хўжаликда янги иш жойлари очиляпти. Тегирмон қурилган, ишлаб турипти. Мавжуд чинни ишлаб чиқариш цехи кенгайтирилиб, қайта таъмирланди. Келгусида уч гектарлик майдонда янгидан пленкали иссиқхона қурамиз. Бу ерда камида 80–100 одам ишлайди.

**— Ўзингиз гап очиб қолдингиз, Мавжуд иссиқхонадаги ишлар қандай бораяпти?**

— Сирасини айтадиган бўлсак, иссиқхона хўжаликнинг юраги, ўзаги, асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Агар ўтган йили деҳқончиликдан салкам 18 миллион сўм соф даромад олган бўлсак, унинг асосий қисми иссиқхона ҳиссасига тўғри келади. Бу – иссиқхона бошқарув тизимини такомиллаштирганлигимиз самарасидир. Эркин Зуфаров раҳбар бўлиб келгач, бу ерда тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилди. "Ташмачилар"нинг кўпчилиги ишдан бўшатилди. Бошқа ташкилий ишлар ҳам кўрилди. Ана шундан сўнг иссиқхона самарадорлиги ошди. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил икки-уч ҳисса кўпайди. Янги йилда биз хўжалик бўйича деҳқончиликдан олинадиган соф даромадни 30 миллионга етказмоқчимиз.

**— Бундан чиқдики, қурилиш, ободончилик ишларига эътибор бундан кейин ҳам ортиб бораркан-да?**

— Албатта. Мен сизга айтсам, хўжалик у ёки бу қурилишни ўз кучи, ҳатто, ўз лойиҳаси билан амалга оширганига нима етсин! Ҳар жиҳатдан ютасиз. Мана, ишга тушай деб турган янги мактаб қурилишини олайлик. Биз смета бўйича 200 миллион сарфлашни мўлжал қилган эдик. Амалда эса 100 миллион сарфланди. Тенг ярим маблағ тежаб қолинди. Бу маблағ ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бизга жуда асқотади.

**— Кечирасиз, бу тежаш қурилиш ишлари сифатига таъсир қилмадими?**

— Асло. Ҳамма гап шундаки, ўзинг учун ўл етим деганларидек, биз қурилишнинг чўзилиб кетишига асло йўл қўймасдик. Изоҳнинг ҳожати йўқ. Қаердаки бирон-бир қурилиш дабдаба билан бошланиб, кўп ўтмай, ташлаб қўйилдими, билингки, ўша ерда...

**— Тушунарли. Хўжаликнинг бўрдоқичилик фермасини ташкил этишга жазм этибсизлар.**

— Бозор иқтисоди тақозо этди буни. Биласиз, гўшт – озиқ-овқатнинг асоси. Илгариги фермамиз эса хусусийлашиб кетган. Бизда одамларнинг тўй, маъракаларида баҳоли-қудрат гўштдан қарашиб юбориш анъанаси бор. Бундан ташқари, байрамларда, улуғ саналарда мол сўйиб, арзон нархда гўшт тарқатиб туришимиз шарт. Ногиронлар, кам таъминланган, боқувчисиз қолган оилаларга эса бепул гўшт улашамиз. Бундай пайтларда ҳамма вақт ҳам хусусийлашган фермага бориб бўйин эгишга одамнинг иззат-нафси йўл бермайди. Шунинг учун гўшт ўзимиздан чиқса, яхши бўларди, деган тўхтамга келдик. Эски, бутунлай қаровсиз қолиб, ташландиқ бўлган ферма биносини қайтадан тикладик, таъмирладик, бинойидек жой бўлди. Ҳозирча бу ерда ўн бош таначани боқувга қўйдик. Йил охиригача уларнинг сонини кам деганда 50 тага етказамиз. Бошламасига 300–400 товуқ ҳам боқмоқчимиз. Ана шунақа гаплар.

Лекин ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Деҳқончиликда ҳам, бошқа тармоқларда ҳам янги марраларни кўзлаяпмиз. Шу мақсадда яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессияси, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида қўйилган вазифалар асосида тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Бу тадбирлар босқичма-босқич амалга ошиб боради...

Комилжон билдирмайгина соатига қараб қўйди. Демак, у қаёққадир шошиляпти. Суҳбат учун раҳмат айтиб, хайрлашдим.

Хўжаликда амалга оширилган ва келажакда қилиниши мўлжалланган ишларни хаёлимдан ўтказар эканман, беихтиёр "буни ишбилармонлик, дейдилар", деган сўзларни айтгим келди.

***Носир РИХСИЕВ. «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## "ЧОРСУ-2000"



Вилоят "Турон" кутубхонаси қошида тузилган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи — "Чорсу-2000" ахборот-ҳуқуқий маркази хизматидан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Ўзбекистондаги демократик ва иқтисодий ислоҳотлар даврида янги мулкдорлар синфининг шаклланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётган марказ тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерларни ҳуқуқий ахборот билан ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Айниқса, солиқ ва бухгалтерия ҳисобини олиб бориш бўйича аудитор маслаҳатлари: тадбиркорликнинг барча фаолияти масалалари юзасидан ҳуқуқшунос йўриқлари; юртимизнинг иқтисодий қонунларини ўзида жамлаган "Ҳуқуқ" компьютер дастури, электрон почта хизмати кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда.

***Арофат РАЗЗОҚОВА.***

## ТАДБИРКОРНИНГ ЎЗ ҲИСОБИДАН

ҚИБРАЙ. Байтқўрғонлик тадбиркор Тошкентбой Тўлабоев ўз шахсий маблағи ҳисобига 75 тонна дизел ёқилғиси ҳамда бензин сиғимига эга бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасини қуриб, фойдаланишга топширди. Шунингдек, бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуи қурилиши ҳам бошлаб юборилди.



У ишга тушгач, автоулов эгалари шу ернинг ўзида машиналарни таъмирлаб, техник кўрикдан ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

## ЭЛЕКТРОН АТСдан ФОЙДАЛАНИШЯПТИ



Бекобод шаҳар аҳолиси халқаро телефон тармоғидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Бугунги кунда 160-170 нафар мижозлар шундай ишончли, тезкор алоқа хизматидан баҳраманд бўлишмоқда.

Бундай техник қулайликни муҳайё этишда "Тошкент Телеком" ҳиссадорлик жамияти Бекобод шаҳар шоҳобчасининг хизмати катта. Шоҳобча жамоаси Жанубий Кореянинг "ДЭУ" корпорацияси билан шартнома тузиб, эскирган алоқа жиҳозлари ўрнига 6 минг рақамга мўлжалланган янги электрон АТСни бунёд этди. Бу эса шаҳарлараро ва халқаро автомат телефон линиясидан унумли фойдаланиш имконини берди.

***Акбар АЛИЕВ.***

*Вилоят ҳаёти*

## ТОШКЕНТДА КАТТА ЯРМАРКА

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг "Ҳамкор" марказий кўргазмалар залида тўртинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этган бу тадбир очилишида шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қисқача нутқ сўзлаб, йиғилганларни ярмарка экспонатларини томоша қилишга таклиф этди.

Савдо-саноат ярмаркасида акциядорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар, ҳунармандлар ва бошқа тадбиркорлик тузилмалари жамоалари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар. Бу маҳсулотлар орасида мураккаб саноат дастгоҳлари, янги технологиялар ва асбоб-ускуналар, ноу-ҳау, инвестиция лойиҳалари, турли-туман кенг истеъмол маҳсулотлари, уй-рўзғор ашёлари бор. 9 апрелгача давом этадиган савдо-саноат ярмаркасида тадбиркорларга ёрдам берадиган турли хил семинарлар, ахборот-маслаҳат хизматлари ишлаб туради. Ярмарка доирасида яхши анъана бўлиб қолган шаҳар ҳокими соврини учун тадбиркор ва ҳунармандларнинг "Ташаббус-2000" кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтади. Унда шаҳар туманларида уюштирилган шундай тадбирлар ғолиблари қатнашадилар.

Бундан ташқари, янги тадбиркорлик тузилмаларининг тақдимоти ҳам ташкил этилди. Чунончи, "ИСТАЛ" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси тақдимоти бўлади.

Бу йилги савдо-саноат ярмаркасининг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, унда қўшни корхоналар олдингиларига нисбатан анча кўп иштирок этмоқда. Ярмаркада қатнашаётган 220дан ортиқ тадбиркорлик тузилмаларининг 32 фоизини қўшма корхоналар, 33 фоизини кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар, қисман акциядорлик жамиятлари, олти нафарини фақат патент тўлаб ишлайдиган хусусий тадбиркорлар ва бошқалар ташкил этади.

Ҳар йили уюштирилаётган савдо-саноат ярмаркалари республикамиз пойтахти иқтисодиётини ривожлантиришга, ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга, тадбиркорлик тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда маҳсулот экспорти ҳажмининг ортишига ёрдам бераётганлиги билан диққатга сазовордир.

• *Таҳририятга хат* •

## АВТОБУС ҚАТНОВИ УЗАЙТИРИЛСА

***"ЎЖАКЕНТ" жамоа хўжалигимиз Қуйичирчиқ туманининг Гул қишлоғида жойлашган. Хўжалик ҳудудида 8 минг киши истиқомат қилмоқда. Меҳнат ёшидагиларнинг аксарият кўпчилиги жамоа хўжалигида ишлашади.***

Айримлари, айниқса ёшлар туман маркази ва ҳатто Тошкентдаги иш жойларига ёки ўқув муассасаларига қатнайдилар. Қишлоғимиз мамлакатимиз пойтахтидан бор-йўғи 80 километр узоқликда жойлашган бўлса ҳам унга қатнаш жуда машаққатли бўлмоқда. Бунинг сабаби — қишлоғимиз билан Тошкент ўртасида автобус қатнови бевосита йўлга қўйилмаганлигида. Шунинг учун улар икки-учта йўналишда қатнайдиган автобусга тушишга мажбур бўлинмоқда. Бунинг учун вақт ҳам кўп кетмоқда.

Шунинг учун қишлоғимиз аҳолиси "Тошкент-Гул" йўналиши бўйича ҳам автобус қатнови бўлишини истарди. Ҳозирги вақтда "Тошкент-Қўрғонча" йўналишида қатнаётган автобусларнинг қишлоғимизгача боришини йўлга қўйиш ҳам мумкин. Бунинг айтарлик қийинчилиги йўқ. Чунки, иккала қишлоқ орасидаги масофа бор-йўғи 8 километрни ташкил этади. Биз "Тошвилавтойўловчитранс" акциядорлик жамияти раҳбарларидан шу таклифимизни инобатга олишни илтимос қиламиз. Агар у амалга ошса жуда савобли иш бўларди, қишлоғимиз аҳолиси учун катта қулайлик вужудга келарди.

***Асат АБДУСАТТОРОВ, Қуйичирчиқ туманидаги Гул қишлоғи.***

*● 2000 йил — Соғлом авлод йили*

# ГУЛРУХСОРНИНГ ОРЗУЛАРИ



***Чирчиқдаги 13-мактаб ўқувчилари орасида хабар тарқалди:***
***— Нима дейсан, Гулрухсор ўн ёшгача бўлган қизлар ўртасида Ўзбекистон шоҳмот биринчилигида қатнашибди.***

— Ўша жимитгина қизалоғ-а? Қўйсанг-чи, шоҳмот қанақа ўйинлигини биласанми?

— Билганим учун айтяпман-да, гарчи норасмий қатнашган бўлса ҳам...

— Нега энди норасмий?

— Ёши ҳали ўнга тўлмаган-да. Ишонасанми, тўққиз имкониятдан тўрт очко олибди.

— Вой-бў, зўр ўйнаркан-да.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Гулрухсор кўрсатган яхши натижадан хаш-паш дегунча Чирчиқдаги барча шоҳмот ишқибозлари воқиф бўлишди.

— Бир очко олса ҳам майли деб ўйловдим, — дейди қувончини ичига сиғдиролмай Гулрухсорнинг отаси Ризқиддин Эсонбоев. — Қизимиз тўрт очко олдия.

— Шоҳмотни кимдан ўрганган? — қизиқиб сўрадик.

— Шоҳмот алифбосини ўзим ўргатганман, — деди Ризқиддин. — Қиз болага шоҳмот ўйнаш балки жуда ҳам шарт эмасдир. Лекин "шоҳмот инсон ақлининг тамал тошидир", деган ҳикмат бор. Шоҳмотни қотириб ўйнайдиган бола барча фанларни яхши ўқийди, сермулоҳаза, меҳнаткаш бўлади. Шунинг учун ҳам Гулрухсор билан шоҳмот тахтаси устида соатлаб ўтирамиз. Чирчиқдаги 3-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги устози Бахтиёр Холмирзаев ҳам хурсанд. "Гулрухсордан умидим катта", дейди доим.

Чирчиқ, Ризқиддиннинг айтишича, шоҳмотчилар шаҳри экан. Бунинг учун халқаро гроссмейстерлар Сергей Загребельний, Михаил Салтиков, Сайдали Йўлдошевларнинг, ўн саккиз ёшли қизлар ўртасида 1982 йилдаги жаҳон чемпиони Флора Ҳакимова, Дилдора Аҳроровaларни эслашнинг ўзи кифоя. Гулрухсор Эсонбоева-Миртурсунова ўшалар изидан кетаётган бўлса ажаб эмас.

Тошкентдаги "Олимпия" меҳмонхонасида шу йил февралда бўлиб ўтган йигирмага яқин қизлар орасида, гарчи унча тажрибали бўлмаса ҳам, Гулрухсор иккинчи разрядли Маметова, Абдулазизова, учинчи разрядли Зоирова, Любечанскаяларни мағлуб этиб, тўрт очкога эга бўлди.

— Бу қиздан келажакда катта ғалабалар кутса бўлади, — деди мусобақанинг бош ҳакaми О. Азизов.

— Бир пайтлар Чирчиқда шоҳмот мактаби бўларди, — деди Ризқиддин Эсонбоев, — деярли барча мактабларда шоҳмот дарси ўтиларди. Ўзим ҳам шу ўйин фидойисиман. Спорт усталигига номзодман, ҳатто вилоятда ғолиб ҳам бўлганман. Чирчиқ, агар ишонсангиз, шоҳмот шаҳри сифатида юртимизда, ҳатто ундан ташқарида ҳам маълум. Агар Гулрухсор ҳам мана шу анъанага ҳисса қўшса бошим осмонга етарди. Яқинда Республика халқ таълими вазирлиги мактабларда шоҳмот дарсини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жуда хурсанд бўлдим. Бу шоҳмотнинг ривожига, янги истеъдодларнинг кўпайишига катта ёрдам беради.

Гулрухсор нима қилаяпти, деган саволимизга у:

— Гулрухсор, аввало, аъло баҳоларга ўқияпти. Келгуси йилда бўладиган ўн ёшгача қизлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигига ҳозирлик кўраяпти. Орзуси — ғолиб бўлиш.

Гулрухсорга омад ёр бўлишини тилаймиз.

***Ғолиб МИРЗО.***

*● Диққат. танлов* *● Диққат. танлов*

# "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

РЕСПУБЛИКА "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими ҳамда Тошкент вилояти "Маънавият ва маърифат" маркази мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар, халқимизнинг мустақиллик йилларидаги дадил одимлари, жамият маънавиятини янада юксалаётганлиги, бунёдкорлик ишлари, одамлар онги ва тафаккурида юз бераётган ўзгаришларни кенгроқ ёритиш, мамлакатимизда Соғлом авлод йили билан боғлиқ "Соғлом авлод" давлат дастуридаги жисмоний ва маънавий баркамол авлод ҳақидаги тасаввур ва қарашларни одамларга етказиш мақсадида "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилишини эълон қилади ҳамда вилоятимиздаги адиблар, журналистлар, фотосуратчилар, мусаввирлар, барча ижодкорларни ушбу танловда фаол иштирок этишга таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

— мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;

— мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ва бу борадаги ютуқлар;

— она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;

— миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар;

— "Соғлом авлод — келажагимиз";

— фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётган, яратувчанлик йўлида изланаётган замондошларимиз;

— буюк истиқлолнинг улуғ неъматлари.

Мазкур кўрик-танловни ташкил этиш, унга тақдим этилган асарларни оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радиода кенг ёритиш учун "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда" газеталари, барча шаҳар, туман маҳаллий нашрлари, телерадиоэшиттиришлар таҳририятлари махсус рукн очадилар.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичига тақдим этилган ишлар 2000 йилнинг 15 июлигача қабул қилинади. Ушбу босқичда ғолиб чиққан асарлар танловнинг республика босқичига тавсия этилади.

"Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танлови вилоят босқичи учун иккита биринчи, иккита иккинчи, учта учинчи совринли ўринлар таъсис этилган. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Ижодий ишлар таҳририятлар тавсияси билан икки нусхада қуйидаги манзилга юборилиши шарт:

**700129, Тошкент шаҳри, К. Ёрматов кўчаси, 14-уй.**
**Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси Тошкент вилояти бўлимига.**
**"Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловига.**

**ЭСЛАТМА:**
**Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган бўлиши шарт.**

# АВЛОД ТАРБИЯСИ ВА ИСТИҚБОЛ

***ЖАМИЯТИМИЗДА халқ таълими ривожига бўлган янгича талаб мактаблар ҳаётида туб ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Бу билим муассасалари зиммасига "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига лаёқатли ўқувчиларни тайёрлаб бериш вазифаси юклатилган.***

***Хўш, бундай масъулиятли ишга Зангиота туманида қандай муносабатда бўлинмоқда? Мухбиримизнинг туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин ЭШОНХЎЖАЕВ билан мулоқоти ана шу мавзуда.***

**— Тўлқин ака, мустақиллик йиллари ичида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ туман халқ таълими бўлимида амалга оширилган қайси тадбирларни алоҳида қайд этган бўлур эдингиз?**

— Дастур ҳаётга тадбиқ этилгандан буён ўтган икки ярим йил самарали бўлди, дейиш мумкин. Ана шу вақт мобайнида туманимизда таълим-тарбияга муносабат ўзгарди. Биринчи навбатда ўқитувчилар малакасини оширишга жиддий эътибор берилди. Пойтахт шаҳримиз илмий муассасаларидан таклиф қилинган етук олимлар, мутахассислар иштирокида улар аттестациядан ўтказилганлиги, давлат стандартлари юзасидан мактабларнинг тажриба синов майдонларида фаол қатнашганликлари ҳам, албатта, муҳим аҳамият касб этди. Жараён давомида ўз устида ишламайдиган, номига дарсга кириб чиқиб юрган айрим кишилардан воз кечишга тўғри келди. Бу тадбирлар масъулиятни оширди. Ўқитувчилар илгаригидек дафтар қоралаш учунгина конспект ёзишдан ҳоли бўлиб, қўшимча адабиётлар, қўлланмалар, газета ва журналлар мутолаа қиладиган бўлиб қолдилар. Уларнинг билимларини мустаҳкамлашда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ҳам хизмати айниқса, катта. Бу муассасада педагогларимиз белгилаб қўйилган фанлар бўйича жадвал асосида курсларда ўқиб, тажрибаларини бойитиб бормоқдалар.

## Миллий дастур

Кейинги йилларда таълим тизимида рўй берган янгиликлардан яна бири ташҳис марказларининг ташкил этилишидир. Шу кунларда туман халқ таълими бўлимида, шунингдек, мактабларда очилган бундай марказлар ўқувчилар руҳиятини ўрганиш билан шуғулланмоқдалар. Бу ишни бажараётган руҳшунос шифокорлар болаларнинг лаёқатини аниқлашга жиддий ёндошмоқдалар. Дастурнинг биринчи босқичидаги вазифаларга кўра, бошланғич синфга жалб этиладиган олти ёшлилар билан ишлашга кўпроқ диққат қилиниши қайд қилинган эди. Биз икки йилдан буён ана шу йўналишда ташҳис марказлари ёрдамида иш олиб боряпмиз. Бу ёшдаги зеҳни ўткир, соғлом болалардан 30 фоиздан кўпроғи 1999-2000 ўқув йилида мактабларга жалб этилди.

Марказларнинг вазифаси фақат шугина эмас. Улар 5-9 синфлар оралиғида ўқувчиларнинг қобилиятига қараб, ким академик лицейга, ким касб-ҳунар коллежига боришини тайин қилиб беришлари лозим. Ўзингизга маълум, ўқувчи бугун ҳайдовчи бўлишни истаса, бир йил ўтгач шифокорликни орзу қилиб қолади ёки учувчиликка ихлос қўяди. Ана шу борада бир тўхтамга келишда ташҳис маркази алоҳида ўрин тутади. Ўқувчилар академик лицей, касб-ҳунар коллежларига бундан буён мазкур марказлар йўлланмаси билангина борадиган бўладилар.

Шуларни ҳисобга олиб, руҳшунослар шифокорлар, ота-оналар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан яқин алоқа боғладик. Синфларда вақти-вақти билан ўтказилаётган суҳбатлар, ишлаб чиқариш жойларига, турли муассасаларга уюштирилаётган сафарлар болаларда маълум бир касбни аниқ танлаш туйғусини шакллантирмоқда. Илмга берилган, юқори салоҳиятли ўқувчилар билан эса, дарсдан ташқари пайтларда қўшимча тарзда шуғулланилмоқда.

Мактаблар зиммасига ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш юклатилганлиги ҳам маълум. Бу борада биз аниқ йўналишларни белгилаб олганмиз.

**— Шу фикрингизни кенгроқ шарҳлаб беролмайсизми?**

— Бажонудил. Маълумки, мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланди. Аждодларимиз меросини ўрганишимизга, тарихий обидаларимизни таъмирлашга кенг йўл очилди. Туманимизда асрлар давомида юрагимизда меҳр уйғотиб келган алломалар, улуғ зотлар қадами етган жойлар кўп. Хусусан, улардан бири муқаддас зиёратгоҳ — Зангиота билан боғлиқ. Туман халқ таълими тизимида ишлаб чиқилган "Аждодлар мероси — маънавият мактаби" дастури асосида алломалар ҳаёти ўрганилмоқда. Ҳар бир билим муассасасида маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилди. Улардан Зангиота мақбарасини қуришдек хайрли ишни бошлаган бобомиз Амир Темур ва бу қурилишни ниҳоясига етказган Мирзо Улуғбек хизматлари билан боғлиқ маълумотлар ўрин олди. Эндиликда ўқувчилар Зангиотанинг асли исми Ойхўжа ибн Тож хўжа эканлигини, туғилган жойи Шош вилояти бўлиб, номи фақат Мовороуннаҳрдагина эмас, балки Хуросон халқлари орасида ҳам машҳур бўлганлигини яхши биладилар. Улар Зангиота зиёратгоҳида тез-тез бўлиб турадилар. Болалар ўз устози Ҳаким отадан тасаввуфий илмлар билан бирга, илми зоҳирий ва илми ботинийдан таълим олган, Арслонбоб авлодига мансуб бўлган бу буюк мутафаккир аҳолини илоҳий-аҳлоқий йўл-йўриқлар билан тарбиялагани, кўплаб олимларни камолга етказгани ҳақида иншолар ёзиб, маънавият ва маърифат хоналарини бойитиб боришмоқда.

Мактабларда ўлкамизни, хусусан туманимизни ўрганиш бўйича очилган музейлардан ўрин олган турли асрларга оид ёдгорликлар намуналари, асбоблар, уй жиҳозлари туман тарихини яратишга хизмат қилмоқда. Уларда тўпланган маданий бойликлар ҳудудимизда республика миқёсида тарихий обидаларни ўрганиш бўйича конференция ўтказиш учун ҳам асос бўлди. Бу анжуман қатнашчилари ёшларни юксак маънавийлик руҳида тарбиялашдаги ишларимизга ижобий баҳо бердилар.

**— Гапингизга қараганда, мактабларнинг маънавий базаси анча мустаҳкам экан. Моддий аҳволи қандай?**

— Истиқлол йиллари ичида моддий базамиз ҳам, шароитимиз ҳам анча яхшиланди. Мавжуд 40та мактабнинг деярли ҳаммасига табиий газ тармоқлари ўтказилди. Уларнинг аксариятида иссиқхоналар, томорқа участкалари бор. Турли мевали, манзарали дарахтлар кўчатлари етиштираётган, айниқса, тераксзорлар барпо этаётган мактаблар сони кўпайиб бормоқда. Ҳомийлар ёрдамида билим муассасалари ёнида қўшимча синф хоналари қад кўтармоқда.

Моддий база ҳақида гап борар экан, бу борада ҳали зиммамизда катта вазифалар турганлигини ҳам айтиш керак. Чунки, мактабларимизнинг 21тасигина замонавий, 19 таси мослашган биноларда жойлашган. Улар компьютерлар билан етарли даражада жиҳозланган бўлса ҳам, бу ақлли машиналарни бугунги талабларга мослари билан алмаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришимиз лозим бўлади. Дарсликлар танқислиги, ўқитувчилар етишмаслиги каби нуқсонлардан ҳоли эмасмиз. Мактабларда ўқув жараёни рейтинг тизимида олиб борилаётганига қарамай, уларнинг айримларида ҳали таълим тарбия даражаси оқсаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

**— Бу камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳам ўйлаётгандирсизлар?**

— Албатта. Ўйламаслик мумкин эмас. Зеро, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га кўра, яна бир йилдан кейин бу дастурнинг "ўтиш даври" деб аталган босқичи ниҳоясига етади. Маълумки, ана шу вақт ичида биз янги талабларга жавоб берувчи ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, янги стандартларни жорий этиш, 9-синфдан кейинги 3 йиллик ўқиши учун замин ҳозирлаш каби вазифаларни амалга ошира олишимиз керак. Кўриб турибсизки, ишлар кўп, муддат эса қисқа. Уларни охирига етказиш йўлида ташаббускорликни кучайтиришимиз лозим бўлади.

***Суҳбатдош Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

## ЗАМИН СИРЛАРИ ОШКОР ЭТИЛДИ

ВИЛОЯТИМИЗ қишлоқ хўжалик мутахассислари билан олимлар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг сейсмология институтида амалга оширилаётган тадқиқотлар Паркент туманининг "Навбаҳор" қўрғони ҳудудидаги зах босиш ва ерости сув сатҳининг кўтарилиш сабабларини аниқлашда қўл келди. Бу борада илмий муассасанинг "лёсшунослик" лабораториясида сейсмик кучланиш хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. Изланишлар натижаси олий ўқув юртлари учун "Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари" қўлланмасини ёзишда ва сейсмик кучланишларнинг ўзгарувчан хариталарини яратишда ҳам асос бўлди.

Яқинда тадқиқотларга бағишлаб ўтказилган конференцияда олимлар бу борадаги ютуқлар шаҳарлар, туманларнинг микросейсмик хариталарини яратишга йўл очганлигини алоҳида таъкидладилар.

***А.АКБАРОВ.***



*Ислоҳот одимлари*

# ТЕХНОЛОГИЯСИ ЯГОНА

***Яқинда бўлиб ўтган 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида халқ хўжалигини юксалтиришнинг муҳим омиллари, асосий йўл-йўриқларнинг батафсил баён этилди. Шу жумладан, маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенгайтириш, айниқса, улар асосида ҳозирги вақтда чет эллардан келтирилаётган турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва у билан ичига бозорни тўлдириш қатори хорижга экспорт қилишга эришиш лозимлигини яна бир бор таъкидланди.***

Шу нуқтаи назардан "Микрэл" қўшма корхонасининг Янгийўлдаги заводи жамоасининг фаолияти тақсинга сазовордир. Чунки, бу ерда жаҳон амалиётида биринчи бўлиб чигит шротидан оқсил олиш технологияси ўзлаштирилди. Корхонада бу қимматли маҳсулотни тайёрлаш йил сайин кўпайиб бормоқда ва у оқсилни четдан валюта сарфлаб, олиб келишни камайтиришга олиб келмоқда.

Бундай маҳсулот асосан ловия кўп ҳажмда етиштириладиган мамлакатларда тайёрланар ва ундан олинган оқсилнинг ҳар бир тоннасини олиб келиш 350 долларга тушар эди. Бунинг устига чорвачилик ва парандачилик учун ниҳоятда зарур бўлган бундай ҳомашё собиқ иттифоқ даврида республикамизга жуда кам ажратилар, чунки унда таркибида каротин моддаси кўп бўлган беда майдонлари кенг ва чигит шроти етарли бор деб ҳисобланарди. Ваҳолангки, қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлиги ҳукм сураётган вақтда экинларни алмашлаб экишга риоя қилинмас, бунинг устига чигит шротининг асосий қисми республикамиздан четга олиб кетилар эди. Шу сабабли ҳам чорвачиликдаги аҳвол йилдан-йилга мушкуллашиб борди, сут ва гўшт, айниқса, парранда етиштириш анча камайиб кетди.

Республикамиз ҳукумати ўша йиллардаёқ чигит шротидан оқсил олишни мақсад қилган эди. Уни амалга ошириш қатор тармоқ илмий тадқиқот марказларига топширилди. Бироқ



бу муаммони бундан етти йил илгари "Микрэл" қўшма корхонасини барпо этган бир гуруҳ ташаббускорларгина амалда ҳал этишга эришдилар. Олимлар, мутахассислар ва тадбиркорларни ўзига бирлаштирган бу гуруҳнинг илмий изланишлари натижасида "чигит шротидан оқсил олиш усули" кашф этилди.

Бир пайтнинг ўзида Янгийўлда оқсил концентратлари заводи барпо қилинди. Мазкур технологиянинг яна бир афзаллиги шундаки, у таркибида оқсил моддаси бўлган ҳар қандай хомашё асосида ишлай олади, лекин асосан чигит шротини қайта ишлашга мўлжалланган. Чигит оқсили изояти, экстракция пастаси ва қаймоғи олинмаган сутнинг ўрнини босувчи сифатида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг лабораториясида, унинг "Қизил шалола" тажриба базасида, "Сергели" чўчқачилик мажмуида ва қатор хўжаликларда синовдан муваффақиятли ўтди.

Корхона мана бир неча йилдирки, ўз маҳсулотларини буюртмачиларга етказиб бермоқда. Уларнинг қимматини қатор далилларда ифодалаш мумкин. Чигит шротидан олинган изолят таркибининг камида 90 фоизини соф оқсил ташкил этади. У фақат чорвачиликдагина эмас, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам кенг ишлатилади.

— Янгийўлдаги "Микрэл" қўшма корхонаси заводи чигит шротидан ишлаб чиқараётган оқсил концентрати ўз кўрсаткичлари бўйича хориждан келтирилаётган оқсил моддаси ўрнини босадиган қимматли маҳсулот ҳисобланади, — дейди унинг бош директори Ш. Эргашев. — Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан 1998 йилдаёқ берилган 12-сонли сертификат ҳам шундан далолат беради.

Завод жамоаси ўтган йили омухта озуқа саноати корхоналари ва бошқа ташкилотларга 3,5 минг тонна атрофида қимматли оқсил маҳсулоти етказиб берди. У тўла қувват билан ишлаши учун корхонага йил давомида 20 минг тонна чигит шроти етказиб берилиши керак. Шундагина, унинг бир маромда ишлаши ва оқсил маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини олдинги йилдагига нисбатан анча ошириш мумкин бўлади.

Бунда четдан шундай маҳсулот келтиришни анча камайтирилиши ва валютани тежаб қолиниши ҳам ҳисобга олиниши керак. Айни вақтда чорвачиликни, ун саноати ва халқ хўжалигининг қатор бошқа тармоқларини оқсил билан таъминлаш янада яхшиланади.

Мутахассислар оқсил концентрати юқори сифатли бўлиши ва уни тайёрлаш узлуксиз бориши учун бундай ишлаб чиқаришнинг янги бўлинмаларини ёғ-мой комбинатларининг технологик тизими таркибида барпо этиш яхши самара беради демоқдалар. Шундай бўлганда, шрот ёғ-мой комбинатлари учун чиқинди бўлмайди, аксинча ишлаб чиқаришнинг яна бир бўғини учун ҳам ашё бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ишлаб чиқариш технологияси бузилмайди ва юқори сифатли шрот олишдан манфаатдорликлари кучаяди.

Янгийўл оқсил концентратлари заводи истиқболли ишнинг дастлабки қалдирғочи ҳисобланади. Бундай ишлаб чиқаришлар республикамизнинг барча ҳудудларида пайдо бўлишига ишонамиз. Чунки, бунинг учун зарур бўлган ҳомашё ўзимизда жуда кўп. Чигит шротидан тайёрланган оқсил концентратини харид қилиш истагини билдираётган хорижлик талабгорлар ҳам кўпаймоқда. Қозоғистон, Латвия, Россия ҳамда бошқа узоқ ва яқин чет эл мамлакатларида унга қизиқиш кучаймоқда. Ҳа, халқаро бозорга чиқишнинг муҳимлиги ва аҳамияти ҳаммага тушунарли. У амалга оширилаётган ва тобора чуқурлашаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

**СУРАТЛАРДА: корхона директори Виталий Пьявкин ва бригада бошлиғи Илсур Ғайнутдиновлар иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар; лаборатория ходими Людмила Селезнева иш устида.**

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ОЛТИН МЕРОС НАВРЎЗИМ

Ўзбекистон Миллий университетининг муҳташам кенг залини Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника дорилфунунининг устоз ва талабалари тўлдирди. Улар Техника дорилфунуни билан Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси жамоаси биргаликда ўтказаётган "Олтин Мерос Наврўзим" ижодий учрашувида қатнашиш учун тўпландилар.

Учрашувни дорилфунун ректори, Олий Мажлис депутати Тўлқин Миркомилов очиб, бу йил Наврўз байрами ўзгача бир руҳда ташриф буюргани ҳақида тўхталди. Сўзга чиққан халқаро "Олтин Мерос" хайрия жамғармаси раиси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али залда ўтирган устоз ва талабаларни айём билан табриклаб, жамғарма ишларидан сўзлади ҳамда баҳор ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқиди. Жамғарманинг фаолларидан тарихчи олими Муборак Юнусхўжаева Наврўзнинг ҳаётбахш анъаналари ҳақида ҳикоя қилди. Жамғарманинг тарғибот ва халқаро алоқалар маркази бошлиғи Насиба Усмонова ўз сўзида Наврўз ва унга ёшлар, келажак авлод муносабати тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

Ижодий учрашувда жамғарма қошида Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова раҳбарлигида тузилган "Муножот" миллий мумтоз рақс дастаси аъзолари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

***Азиза АҲМЕДОВА.***

# ҚАЛМОҚҚИР ЭТАКЛАРИДА

Олмалиқдаги Геологлар маҳалласи эрталабданоқ шод-ҳуррамлик оғушида қолди. Шундоққина Қалмоққир этагидаги ўйингоҳга ёшу-қари тонгданоқ тўплана бошлади. Карнай-сурнайларнинг садолари биронта одамни бефарқ қолдирмади.

— Болаларим, — деди маҳалланинг энг кексаси 93 ёшли Исроил ота, — бундоқ хуш кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Тинчлик билан, аҳиллик билан, бир-биримизга очиқ юз билан қараб, яшаётган замонамизнинг серфайз кунларига, ҳаммамизнинг хонадонимиз Наврўз келтирган шодиёнадан баҳраманд бўлаётганига шукроналар қилайлик.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Гулираъно Қаҳҳорова Наврўз хосиятлари ҳақида сўзлади. Дастурхонларга тортилган кўксомсаю сумалаклар, қўли гул пазанда келинчаклар ёпган ҳовури кўтарилиб турган серпиёз нонлар, турли ноз-неъматлар устида ширин суҳбатлар бошланди. Шаҳар маънавият ва маърифат марказининг раҳбари Солижон Тангиров, "Тонг" ашула ва рақс дастасининг хушовоз хонандалари Нурали Раимжонов, Маҳбуба Ҳасанова, 10-мактабнинг бадиий ҳаваскорлари кечага ўзларининг шеърлари, рақслари, қўшиқлари, табриклари билан файз киритдилар.

— Қалмоққир этакларида бундай яхши кайфият улашувчи йиғин яқин ўртада бўлмаган эди, — деди Олим ота Бекназаров, — бунинг ҳаммаси юртимизнинг осойишталиги, Президентимиз ғамхўрлиги мевасидир.

***Тугмагул ЭШМОНОВА.***

